


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202~~2~~ йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202~~1~~ йил «25» 08 даги 365 - сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

	бет
Т/п	
1. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг қасбий вазифалари	5
2. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг қасбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар ...	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Қасбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув вараги	10

1. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши.

Малака талаби 60320100 - *Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чикиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) – “Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот” таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, давлат ва нодавлат органлари ахборот хизматлари, PR ва реклама агентликлари, интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлар фаолияти билан бўғлиқ комплекс масалалар ҳамда жамиятда тезкор ахборот алмашинув ва ишончли ахборот билан таъминлаш каби комплекс масалалар мажмуасидан иборат.

1.2.2. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- оммавий ахборот воситалари, матбуот нашрлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Дипломатик сервис хизмати, Жаҳон ахборот агентлиги ва Дипломатик курслар;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари, сиёсий партиялар, ҳокимликлар ва бошқа давлат идоралари, муассасаларининг халқаро бошқарма ва бўлимлари;
- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва

техникумлари;

- архивлар, күлөзма фондлари, ахборот-ресурс марказлари, нашриётлар, оммавий-ахборот муассасалар, турли тадбиркорлик субъектлари ва бошқалар;
- фан ва маданиятнинг турли соҳалари, давлат муассасалари, мамлакат ва халқаро фаолият билан боғлиқ бўлган нодавлат ва давлат тизимлари;
- таржимонлик фаолияти, муҳаррирлик, ноширлик ишлари;
- ихтисослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

1.2.3. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- миллий ва халқаро ОАВ тизимлари;;
- ахборот хизматлари, PR ва реклама агентликлари;
- интенернет тизимида журналистик ва блоггерлик;
- ноширлик ва муҳаррирлик;
- таржимонлик фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- маънавий-маърифий фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишилаб чицариш, сервис ва бошқа турдаги хизмат кўрсатилии соҳасида фаолиятни ўз ичига олади.

1.2.4. 60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

60320100 - Журналистика: халқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофик бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Миллий ва халқаро ОАВ тизимлари:

- барча турдаги ОАВ техника ва технологияларидан фойдалана олиш;
- ахборотни йигиш, қайта ишлаш, чоп этиш ва тарқатиш техник-технологияларидан фойдаланиш;
- замонавий реклама яратиш технологияларидан фойдаланиш ва реклама хизматлари кўрсатиш;
- ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини амалиётга татбик эта олиш;
- муайян соҳага тегишли (мухбирлик ва халқаро шарҳловчилик, сухандонлик) фаолиятларда етакчилик ва бошқарув кўнимкалари устуворлигини таъминлаш ҳамда ривожлантиришни амалга ошириш;
- ёзма ва аудиовизуал ахборот воситалари оркали ахборот хизмати кўрсатиш;

Ахборот хизматлари, PR ва реклама агентликлари:

- фаолият йўналиши ва вазифаларидан келиб чиқиб, аҳолига, мижозларга ахборот хизмати кўрсатиш;
- ташкилотларнинг ахборот ва матбуот хизматлари ишини йулга кўйиш, жамоатчилик ва ОАВ таҳририятлари билан самарали муносабат ўрнатиш усусларини билиш;
- ахборот хизматлари фаолиятида турли амалий тадбирлар, матбуот анжуманлари ўтказиш, ахборот хизматлари фаолиятига доир хужжатларни тайёрлаш кўнимкасига эга бўлиш;
- PR ташкилотларида ахборот билан ишлаш, PR кампания ва акциялар ўтказиш, жамоатчилик ва ОАВ билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш бўйича зарурий билим ва кўнимкаларни эгаллаш;

Интенернет тизимида журналистик ва блоггерлик:

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий методлари, усуслари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- глобал компьютер тармоқларида маълумотлар билан ишлаш;

- янгиликлар ва ахборот сайтлари контентини яратиш ва тўлдириб бориш;
- глобал тармоқда расмий блоглар очиш ва унинг мазмунини бойитиш;
- веб-саҳифалар учун янгиликлар, таҳлилий материаллар ёзиш, фото, видео ва аудиоматериаллар яратиш;

Ноширлик ва муҳаррирлик:

- нашриёт ва таҳрир соҳасида бадиий ва илмий асарлар, соҳага оид рисола ва монографиялар бўйича мусаххих ва муҳаррирлик фаолиятини амалга ошириш;
- ноширлик муассасаларида таҳрирчи ва адабий ходим бўлиб ишлаш;
- архив ва адабиёт музейларида илмий ходим сифатида ишлаш ва соҳага оид иш жараёнини ташкил килиш;
- театрда сценарийларни ўқиши, таҳрир қилиш ва режиссёр ҳамда актёrlарга бадиий асар моҳиятини тушунтириш;

Таржимонлик:

- оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари, нашриётлар, илмий-техник ахборот хизмати бўйича тегишли ҳуқукий-меъёрий хужжатлар, журналистик материаллар ва адабиётларни малакали таржима кила олиш;
- журналистика ва ҳалқаро журналистикага оид адабиётлар бўйича илмий-терминологик тушунчаларни эркин талқин ва таржима кила олиши;
- давлат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган ҳусусий корхона ва ташкилотларда чет тиллардан оғзаки ва ёзма таржимонлик килиш;

Илмий-тадқиқот:

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равища) касбий фаолият масалаларини ечиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, журналистик, публицистик ва филологик адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил килиш;
- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, методлар, таҳлилий объект ва предметни ўрганиш, мавзу муаммосини тадқиқ килиш ва илмий ечимларини ишлаб чиқиш;
- илмий назарий қарашлари ва ОАВ амалий фаолияти бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий ҳисоботлар, лойиҳалаштириш ишларини тайёрлаш, мустақил ишлар ва библиографиялар тузиш;
- илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш ва илмий журналларга маколалар тайёрлаш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил килиш;

Маънавий-маърифий фаолиятда:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий гояни сингдириш;
- ўқувчиларда мағкуравий ва ахборот хуружларига карши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сұхбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказиша, умуминсоний кадриятлар, меҳрмурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ОАВ фаолиятини йулга қўйиш, унинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмалари ҳамда қонун асосида амалга ошириладиган фаолиятини йулга қўйиш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чикиш ва амалиётга татбик қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ходимлар ижодий жамоаси, фаолият воситалари ва ресурсларини режалаштириш;
- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чикиш;
- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чикиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри ва соғлом қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

Ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятда:

- илмий ва амалий фаолиятда журналистик ижод маҳорати ва кўнигмаларини ривожлантириб бориш ва улардан фойдаланиш;
- миллий ва ҳалқаро касбий этика кодексига риоя қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини таъмин этувчи бошқариш жараёнларини ишлаб чикиш ва татбик қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларида атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;
- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;
- ихтиносликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- соҳа буйича тегишли сервис хизмати кўрсата олиши, журналистика соҳасида маслаҳатчилик, таржимонлик, ахборот тўплай олиш йўллари, услубларини қўллай олиши ва ташкилий ишларни бажара олиш;
- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;
- ихтиносликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

2. 60320100 - Журналистика: ҳалқаро журналистика (шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-хуқукий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўнікмаларига эга бўлиш;
- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуктаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиш;
- жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихини ўрганишга системали ва комплекс ёндашиш, Ўзбекистон матбуотининг “тўртинчи ҳокимият” мақомига эришиш йўлидаги фаолиятини билиш;
- янгиликлар, репортёрлик, таҳлилий ва шарҳлаш журналистикасида фаолият юрита олиши, публицистик ижод ва журналистиканинг ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларида материаллар ёза олиши, жаҳон журналистикасининг тарихий тараққиётига оид асосий принциплардан фойдаланиш, ОАВ назарияси ва системаси тўғрисидаги билимларни амалиётда қўллай олиши, оммавий ахборот воситалари юзасидан Ўзбекистонда қабул қилинган конунлар ва қарорларни жамият ҳаётида татбиқ этиш;
- PR тармоқлари: сиёсий, иқтисодий, илмий, таълимий, миллий ва халқаро PRни ташкил этиш ва уларда фаолият юрита олиши, матбуот хизматларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга кўйиши, матбуот анжуманларини ташкил этиши ва ўтказиши, пресс-релиз тайёрлаши;
- матбуот, радио ва ТВда реклама санъати ҳамда хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда йулга қўйилган реклама узатиш тизими назарияси ва амалиётини билиши, реклама маҳсулотлари учун шиорлар, рамзлар ижод қилиши, радио, ТВ ва интернет ОАВ рекламаларининг концепцияси ва сценарийсини яратиши;
- журналистик ижода социологик ва психологик усуслар, касбий ахлоқий асосларни билиши ва бу борадаги касбий-малакавий талабларга риоя этиши, оммавий коммуникация матнларини профессионал таҳrir килишнинг психологик хусусиятлари, ОАВ да материалларни хорижий тилда нашрга тайёрлаши, радио ва телевидениеда эфирга узатиши, журналистикага мансуб хорижий матн устида ишлай олиши, уни таҳrir ва таҳлил қила билиши;
- замонавий журналистиканинг йўналишлари: интернет, фриланс, стрингер, фукаролик, блоггерлик журналистикаси каби янги соҳаларда ишлай олиш, замонавий ахборот коммуникацион технологиялари ҳамда телекоммуникация тармоқлари орқали янгича таълим бериш тизимларини шакллантириш, медиатълим орқали масофавий таълимни ривожлантиришни билиш;
- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “A1 бошланғич” босқичидан бошлаб “B2 тилни мустаҳкам эгаллаш ва эркин мулоқот қила олиш” босқичигача бўлган кўнікмалар доирасидаги билимларни камраб олиш;
- ўрганилган шарқ ҳамда ғарб тилларида ахборот таҳлилини олиб бориш, шунингдек, таржима ва сиёсий масалалар бўйича объектив консалтинг хизматларини бажариш қобилиятини шакллантириш;
- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таяинч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, Аудиовизуал журналистика, аудиторияни сегментлаш, ахборий матбуот, ахборот жамияти, ахборот - коммуникацион бошқарув, ахборот-психологик хавфсизлик, ассошийтед пресс (АП) , анализ, анкета, антрефиле, аргумент, афиша, банал, брифинг, бинго-карта, блоггерлик, блиц-интервью, видеоролик, видеоплейер, VIP-журнал, газета “ўрдаги”, геосиёsat, ОАВ глобаллашуви, графомания, далиллаш, дезориентация, демагогия, демоскопия, де-факто, де-юре, драйв-тайм, бестселлер, худудий матбуот, бульвар журнализми, виртуал дунё, оммавий коммуникация, онлайн журналистика, паблик рилейшнз, ахборот глобаллашуви, дезинформация, жадидлар матбуоти, жанр, радио жингл, журналист суриштируви, журналистикада деонтология, журналистикада авторитаризм, журналистик жингоизм, имижмейкер, интерактив журналистика, интервью-диалог, композиция, коммуникация моделлари, компромисс, конвергенция, консенсус, контент-тахлил, креатив, маркетинг коммуникацияси, масс-медиа, медиа-бизнес, медиатаълим, матбуот конференцияси, медиа-матн, монтаж, персонал журналистика, плюрализм, постиндустриал жамият, психологик уруш, пресс-релиз, Рейтер, реклама технологиялари, пресс-релиз, пресс-кит, репортаж, стрингер журналистика, тижорийлашув, фактологик жанрлар, Франс пресс, фриланс, хроника, шархловчилик, эпитажли интервью, экожурналистика.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор  Г.Ш.Рихсиева

202 1 йил « 18 » 08



М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим мини
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.

 М.Эсанов

202 1 йил « 18 » 08



ЎзР Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги

Директор

 А.Ходжаев

202 1 йил « 18 » 08



КЕЛИШИЛДИ:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Ректор  И.Мажидов

202 1 йил « 18 » 08



Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети

Ректор

 Ш.Т.Қудратхўжа

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.

